

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВА МУСЛИМА ХАЛМАТОВНА**

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ МИОКАРДИТЛИ КАЛАМУШЛАР ЮРАК-ҚОН  
ТОМИР ТИЗИМИГА ТАБИЙ БИРИКМАЛАР ТАЪСИРИНИ  
ЎРГАНИШ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD) Оглавление**  
**автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Юнусова Муслима Халматовна**

Экспериментал миокардитли каламушлар юрак-қон томир тизимига табиий бирикмалар таъсирини ўрганиш.....3

**Юнусова Муслима Халматовна**

Изучение влияния природных соединений на сердечно-сосудистую систему крыс при экспериментальном миокардите.....21

**Yunusova Muslima Khalmatovna**

Study of the effect of natural compounds on the cardiovascular system of rats with experimental myocarditis.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВА МУСЛИМА ХАЛМАТОВНА**

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ МИОКАРДИТЛИ КАЛАМУШЛАР ЮРАК-ҚОН  
ТОМИР ТИЗИМИГА ТАБИЙ БИРИКМАЛАР ТАЪСИРИНИ  
ЎРГАНИШ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В293 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Далимова Сурайё Нугмановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Носиржон Мухамеджанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Хаджиметов Абдуғофур Ахатович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Тиббиёт Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.В.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru); [mamurjon2281@mail.ru](mailto:mamurjon2281@mail.ru)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Сабилов Равшан Заирович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Позилев Маъмуржон Комилжонович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д.

**Кадирова Дилбар Абдуллаевна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида юрак ҳасталиклари тиббиётнинг долзарб муаммоларини ташил қилади, улар ичида миокардитлар алоҳида ўрин эгаллайди. Миокардит – инфекция, турли физик, кимёвий омиллар таъсирида яллиғланиш билан кечадиган ҳасталик ҳисобланади. Айниқса, бу ҳасталиқда томирлар сиқилиши (спазми) натижасида шаклланган гипоксик ҳолат кейинчалик юрак етишмовчилигини асосий сабабларидан бири бўлиб келмоқда. Шунга кўра, юрак-қон томир ҳасталикларини даволашда ишлатиладиган дори воситаларини яратиш ва уларни таъсир механизмларини ўрганиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг кўплаб илмий марказларида юрак-қон томир тизими патологиясини даволашда аввало миокард қон томирлари эндотелийсига ва юрак хужайраларига таъсир қилувчи махсус кардиопротектор препаратлар яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада янги дори воситаларини ишлаб чиқаришдаги ютуқлар нафақат янги кимёвий бирикмалар синтези билан, балки кўп жиҳатдан мавжуд дориларнинг хусусиятлари такомиллаштириш, жумладан нишон-органга мақсадли етказиб бериладиган янги дори шакллари яратиш билан боғлиқ. Бундай янги дори препаратлари шакллари ишлаб чиқишда истиқболли ёндошувлардан бири бу асосий моддани организмдаги метаболизмдан ҳимоя қилувчи ва биологик мембраналар орқали ташишни яхшилайдиган ўсимликларнинг углевод сақловчи метаболитлар билан молекуляр комплексга боғланишидир. Сўнги йилларда шу каби дори воситалари сифатида ўсимлик табиатли препаратлар ишлатилмоқда, улар орасида табиий дитерпеноидлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Республикамизда аҳолини сифатли ва юқори самарали дори воситалари билан таъминлаш мақсадида, мамлакатимизда ўсимлик моддалари асосида истиқболли дори воситалари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чоратадбирларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, ўсимлик табиатли бирикмалар билан аввалдан маълум бўлган фармакологик препаратлар комплексларининг биокимёвий таъсир механизмларини аниқлаш, шу бўйича тадқиқотларни ўтказиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёни турли лабораторияларида ўсимлик табиатли биологик фаол моддаларни ажратиш ва фармакологик таъсирларини тавсифлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. АҚШнинг Техасс университети соғликни сақлаш марказида турли ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоидларнинг кардиотроп таъсирларини аниқлаш бўйича тадқиқот изланишлари олиб борилади. Австралияни Монаша университетидан инотроп таъсирга эга бўлган талайгина алкалоидлар аниқланган. Япониянинг Хоккайдо Университети юрак-томир ва торакал хирургия олий тиббий мактаб ходимлари томонидан турли алкалоидлар ва флавоноидларнинг кардиопротектор хусусиятлари ўрганилмоқда.

МДХ давлатларида Россияни Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтик Академиясида, Белгород давлат миллий тадқиқот университетида, Украинани тиббий Академиясининг фармакология ва токсикология институтида ҳамда кардиология марказида ўсимлик табиатли бирикмаларни фармакологик хусусиятлари тадқиқ этилмоқда.

Республикамизда турли юрак-томир хасталиklarини даволашда қўлланиладиган дори воситаларни яратишда ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари катта ҳисса қўшди. Ўсимлик табиатли бирикмаларнинг таъсир этиш механизмларини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотлар интенсив равишда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети биокимё кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Биологик фаол бирикмаларнинг хужайра метаболизмига таъсирини тадқиқ этиш» (2010-

2022) ва ОТ-Ф6-2 «Полифеноллар асосидаги баъзи супрамолекуляр комплексларни каламушлар бош мияси митохондриялари билан биокимёвий ўзаро таъсир механизмларини тадқиқ қилиш» (2017-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ГЛАС супрамолекуляр комплексининг томир-тромбоцитар гемостази ҳамда миокардит модели каламушлар юрак хужайраларидаги баъзи биокимёвий жараёнларга таъсир механизмини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ГЛАС комплексини каламуш ва қуёнлар томир-тромбоцитар гемостазига таъсирини аниқлаш;

ГЛАС препаратини миокардитли каламушлар қон плазмаси, юрак гомогенати ва митохондриялардаги липидларнинг пероксидланиш жараёнига таъсирини ўрганиш;

ГЛАС комплексини миокардитли каламушлар юрак митохондрияларининг нафас олиш ва оксидланувчи фосфорланиш ҳамда ферментлари фаоллигига таъсирини аниқлаш;

миокардитли ҳайвонларнинг қон плазмаси ва юрак хужайраларида ГЛАС препаратини NO-эргик тизимга таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қуён ва каламушларнинг тромбоцитларга бой бўлган плазма, қон зардоби, юрак гомогенати, юрак митохондриялари, супрамолекуляр комплекс ГЛАС, аспирин олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ГЛАС ва қиёсий препарат аспирин (Байер)ларнинг антиоксидант фаолликлари ҳамда уларнинг каламушлар томир-тромбоцитар гемостазга, каламушлар юрак митохондрияларининг функционал ҳолатига ва NO-эргик тизимнинг фаоллигига таъсир этиш хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида дифференциал центрифугалаш, полярографик, спектрометрик, фотоэлектрокалориметрик иммунофермент ва бошқа замонавий биокимёвий тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Origin Pro 8.6. компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

ГЛАСнинг томир-тромбоцитар гемостазга таъсир механизми тромбоцитларнинг, қисқа вақт ичида кузатиладиган, умумий сонини камайиши, тромбоцитларни агрегация ва адгезиясининг пасайиши билан боғликлиги аниқланган;

ГЛАСни каламушлар тромбоцитлари, юрак гомогенати ва митохондрияларида яққол намоён бўладиган антиоксидант таъсирга эга эканлиги аниқланган;

экспериментал миокардитли каламушлар юрак митохондрияларининг функционал ҳолатини сусайиши ва нафас олиш занжири ферментларининг

ингибирланиши маълум бўлди. Бундай ҳайвонларга ГЛАС препаратини юборилиши ўрганилган кўрсаткичларни тикланишига олиб келган;

экспериментал миокардитли каламушлар қони ва юрак гомогенатида азот оксиди метаболитларнинг миқдори индуцибел NO-синтаза (iNOS) ферменти фаолланиши эвазига ошиб кетиши аниқланди. ГЛАС препарати таъсирида азот оксиди метаболитлари миқдорини камайиши ва индуцибел NO-синтаза (iNOS) ферменти фаоллигини сусайиши аниқланган;

ГЛАСни сотувда бўлган аспирин препаратига нисбатан терапевтик таъсирни амалга ошиши ҳамда терапевтик таъсирни кенглиги бўйича авфзаллиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

супрамолекуляр комплекс ГЛАС антиоксидант фаолликка эга бўлиб, юрак митохондрияларнинг функционал ҳолати, нафас олиш занжири ферментлари фаолликларини ҳамда юрак ва томирларни NO-эргик тизими фаолиятини миокардитларда тиклаш хусусиятига эга эканлиги исботланди;

ГЛАС кардиопротектор ва қон суюлтирувчи дори воситаларнинг асосини ташкил этувчи самарали бирикма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда замонавий биокимёвий ва биофизикавий усуллардан фойдаланганлиги билан изоҳланади. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг Республика ва ҳалқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГЛАС комплекси экспериментал ҳайвонлар тромбоцитларида, миокард хужайраларининг гомогенати ва митохондрияларида яққол намоён бўладиган антиоксидант фаоллиги билан бир вақтда томирлар ва кардиомиоцитларни NO-эргик тизимини бошқариш хусусиятига эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ГЛАС супрамолекуляр комплекси таъсирида миокардитлар ва бошқа юрак ҳасталикларда митохондрияларнинг энергия ва ферментатив фаоллигини фармакодинамик коррекциялашдан ҳамда азот оксиди тизимини нормаллашдан иборат бўлиб, унинг асосида самарали қон суюлтирувчи ва кардиопротектор дори восита яратишда тавсия этиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмаларнинг антиоксидант фаоллигини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

глицирризин кислота билан аспирин асосида яратилган супрамолекуляр комплекснинг (ГЛАС) ФА-А11-Т070 сонли «Маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқилган самарали иммуномодулятор яратилиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (ГЛАС) препаратини каламушлар ва қуёнлар томир – тромбоцитар гемостазига таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 25 январдаги 4/1255-175-сон

маълумотномаси). Натижада ГЛАС препаратини кардиомиоцитлар митохондрияларининг нафас олиш ва оксидланувчи фосфорланиш жараёнлари ва ферментлар фаоллигига таъсирини ўрганиш имконини берган;

ўсимлик табиатли бирикмалар (глицирризин кислота) билан аспирин асосида яратилган супрамолекуляр комплекси ГЛАСнинг экспериментал ҳайвонлар томир – тромбоцитар гемостазига тромбоцитларнинг агрегация ва адгезия жараёнларини сусайтириш орқали таъсир этишини аниқлашда ПЗ-201 709302112 сонли «Метаболизмнинг истиқболли регуляторлари сифатида маҳаллий ўсимлик материаллардан ажратилган проантосиянидинларнинг антигипоксанти хусусиятларини скрининг қилиш» лойиҳада ГЛАС ҳайвонлар қон зардобида юрак гомогенати ва митохондрияларида антиоксидантлик фаоллигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш Вазирлигининг 2022 йил 11 мартдаги 02-02/1351 - сон маълумотномаси). Натижада ГЛАС комплекси юрак хасталикларда томир ва юрак ҳужайраларидаги баъзи патологик жараёнларни тиклаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли юрак – қон томир хасталикларида томир – тромбоцитар гемостази фаолиятини ўзгаришлари**» деб номланган биринчи бобида турли юрак – қон томири хасталикларида томир-тромбоцитар гемостази фаолиятини ўзгаришларига бағишланган маълумотлар, юрак-қон томири фаолиятидаги азот оксиди тизимининг роли

хамда юрак қон томири ҳасталикларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларнинг қисқача тавсифи бўйича замонавий изланишларнинг шарҳи келтирилган. Чоп этилган кўплаб мақолалардаги натижаларнинг критик таҳлили мазкур ишнинг асосий мақсади ва вазифаларини шакилланишига имкон берди.

Диссертациянинг «**Томир-тромбоцитар гемостази ва юрак хужайраларидаги ўзгаришларни баҳолашга мўлжалланган материал ва услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, материал ва тадқиқот услуллари кенг тавсифланган. Хусусан, каламушлар ва қуёнлар қон плазмаси ва тромбоцитларга бой плазмада тромбоцитлар агрегацияси, адгезияси ва лахта ретракциясига ГЛАС ва қиёсий препарат аспирирни таъсири ўрганилган.

“Адреналинли миокардит” модели ҳайвонлар қон плазмаси, юрак гомогенати ва митохондрияларида ЛПО маҳсулоти – МДА миқдорини аниқлаш усулларида фойдаланилган. Экспериментал ҳайвонлар юрак тўқимасидан митохондрияларни дифференциал центрифугалаш услуги ёрдамида ажратиб олинган. Митохондрияларнинг нафас олиши, оксидланувчи фосфорланиши жараёнлари ҳамда ферментларини фаолланишининг тадқиқ этишда полярографик усуллардан фойдаланилди. Қон плазмаси ва юрак гомогенатида азот оксиди метаболитлари миқдори ва азот оксидининг ҳосил қилувчи NO – синтазаларнинг эндотелиал ҳамда индуцибел шакллари фаолликларини иммунофермент анализи ёрдамида аниқланди.

Миокардит ҳолатини фармакокоррекция қилишга бағишланган тажрибаларда ЎЗР ФА Биоорганик кимё институтида яратилган глицирризин кислотани моноаммоний тузи билан ацетилсалицил кислотадан ташкил топган супрамолекуляр комплекс (ГЛАС) ва қиёсий препарат сифатида сотувда бўлган аспирин (Байер) ишлатилди.

Диссертациянинг «*In vitro* ва *in vivo* тажрибаларда ГЛАС препаратининг қуён ва каламушлар томир тромбоцитар гемостаз кўрсаткичларига таъсири» деб номланган учинчи бобида дастлаб ГЛАС ва қиёсий препарат аспирирни қуён ва каламушлар қон томир – тромбоцитар гемостази кўрсаткичларга *in vitro* ва *in vivo* тажрибаларда таъсирини ўргандик.

*In vitro* ва *in vivo* тажрибаларда ГЛАС ва аспирирни қуён ва каламушлар томир-тромбоцитар гемостазига таъсири.

Дастлабки тажрибаларда пробиркали услублар ёрдамида ГЛАС қуёнларнинг қони ва плазмасида аниқ намоён бўладиган коагуляцияга қарши таъсирга эга эканлиги аниқланди.

Тромбоцитлар ва уларнинг функционал фаоллиги микротомирларда асосий тикин ҳосил қилувчи элементлар бўлганлиги сабабли, тажрибаларимизнинг кейинги босқичида *in vitro* шароитда ГЛАСни тромбоцитлар агрегациясига таъсири ўрганилди. Қон суюлиш механизмини аниқлаш учун препаратларнинг таъсирини АДФ-индуцирланган

тромбоцитлар агрегациясини ўрганишдан бошладик. Тажрибалар қуёнлардан ажратилган тромбоцитларга бой плазмада (ТБП) ўтказилди. ТБПга ГЛАС препаратининг  $10^{-2}$  ва  $10^{-3}$  мг/мл концентрациялари қўшилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра аспирииннинг ҳар иккала ишлатилган концентрациялари таъсирида тромбоцитларнинг агрегацияси назоратга нисбатан 2-3 маротаба секин кечади. Худди шу шароитда аспирииннинг ўрнига ГЛАС ишлатилганда АДФ–индуцирланган тромбоцитларнинг агрегация вақти назоратга нисбатан 5-6, аспириинга инисбатан эса 2-2,5 маротаба узайиши аниқланди.

#### 1-жадвал

#### *in vitro* шароитида ГЛАС ва АСК препаратларининг АДФ – индуцирланган тромбоцитлар агрегациясига таъсири (n=6; M±m)

Препаратлар	$10^{-2}$ мг/мл		$10^{-3}$ мг/мл	
	Агрегация,сек	%	Агрегация,сек	%
Назорат	15 ± 1,2	100	15 ± 1,2	100
Аспирин	30 ± 2,5*	200	45 ± 3,6*	300
ГЛАС	75 ± 6,8*	500	90 ± 8,7*	600

\*P < 0,01 назоратга нисбатан

Қон суюлтирувчи доривор препаратларга бағишланган адабиётларнинг тахлили шуни кўрсатдики, клиник олди синовларда тадқиқ этилган кўпгина “самарали” ҳисобланган препаратлар тўлиқ организм ҳолатида етарли қон суюлтирувчи таъсирга эга эмасликлари аниқланди. Шу сабабли кейинги тадқиқотларимизни ГЛАСни *in vitro* тажрибаларда олинган натижалар *in vivo* шароитда ҳам сақланиб қолишини аниқлашга бағишладик. Аввал биз ГЛАСнинг турли (2,5; 5,0; 10,0 мг/кг) дозаларини тромбоцитларнинг ва функционал ҳолатига таъсирини аниқладик. ГЛАСни ўрганилган дозалари ичида энг самарали доза 2,5 мг/кг га тенглиги намоён бўлди. Кейинги тажрибаларда биз ГЛАСни ана шу концентрациясини турли кўрсаткичларга таъсирини аниқладик. 2 - жадвалда қуёнлар тромбоцитларнинг функционал фаоллигига ГЛАСни 2,5 мг/кг концентрацияси таъсирини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган. Препарат таъсири динамикада 30, 60, 120 ва 180 дақиқадан сўнг ўрганилди.

Келтирилган кўрсаткичлардан маълумки ГЛАС препаратининг 2,5 мг/кг дозаси таъсирида 30-60 дақиқа давомида периферик қонда тромбоцитлар сони деярли ўзгармаган, фақатгина 120 дақиқадан сўнг тромбоцитларни сони бошланғич ҳолатга нисбатан пасайиши қайд этилди. Кейинчалик эса бу кўрсаткич тикланиб, бошланғич ҳолатдагидан ҳам бир оз ошиб кетди. Шу сериядаги тажрибаларимизда ГЛАС препаратининг тромбоцитлар адгезиясига ҳам таъсир этишини кузатдик. ГЛАС қуёнларга юборилгандан кейин 30-120 дақиқаларда бу кўрсаткич 33-46% га пасаяди. Бу ҳодиса ГЛАС юборилгандан 30 дақиқадан кейиноқ намоён бўлди ва кейинги дақиқаларда

деярли ўзгармайди. ГЛАСни қонни томир - тромбоцитар гемостазига таъсир этишини биз тикин ретракция вақтини узайишидан ҳам кўришимиз мумкин: препарат юборилишини 60-180 дақиқасидан сўнг бу вақт 25-100% га узаяди.

## 2-жадвал

### ГЛАС препарати 2,5 мг/кг дозасининг тромбоцитларнинг сони ва функционал фаоллигига таъсири (n=8; M±m)

Кўрсаткичлар	Препарат юборилгандан кейинги вақт (дақиқа)				
	Дастлабки ҳолат	30	60	120	180
Тромбоцитлар, 10 <sup>9</sup> /л	240 ± 14	220* ± 10	215*±12	185*±15	266 ±10
Тикин ретракцияси, дақ.	16 ± 1,0	20* ± 1,4	20* ±1,4	30* ±1,6	32* ±1,5
Тромбоцитлар адгезияси, %	29 ± 1,0	15,5*±1,2	19,0*±2,0	16,3*±1,4	17* ±1,2
Спонтан равишдаги агрегация, %	33,4 ± 2,4	10,0*±1,1	16,3*±1,4	18* ±1,4	19* ±2,0

\*P < 0,01 назоратга нисбатан

Худди шундай тажрибаларни аспириини кичик терапевтик дозаси иштирокида ўтказдик. Аспириини 50 мг/кг дозаси таъсирида тромбоцитларни сони, агрегация, адгезия ҳамда тикин ҳосил бўлиш жараёнлари сусайиши кузатилди. Аспирин ва ГЛАС препаратлари тромбоцитларнинг функционал ҳолатига даярли бир хил таъсир этсада, ишлатилган дозалар ўртасида катта фарқ борлиги маълум бўлди. ГЛАС препаратининг самарали дозаси 2,5 мг/кг ни ташкил этиб, аспириининг кичик терапевтик дозасига нисбатан 20 мартта кичик ҳисобланди.


Юқорида келтирилган натижаларга асосланган ҳолда ГЛАСнинг 2,5 мг/кг дозаси куён тромбоцитларининг функционал ҳолатига, тромбоцитларни адгезия ва агрегациясини сусайтириши, тикин ҳосил қилиш вақтини узайтириш билан бир вақтда уларни сонини даярли ўзгартирмасдан таъсир этиши қайд этилди.

*Супрамолекуляр комплекс ГЛАС ва аспириини миокардитли каламушлар юрак гомогентида ЛПО жараёнига таъсири.*

Адабиётлардан маълум бўлишича миокардда асосий энергия манбаи сифатида тўйинмаган ёғ кислоталари ва глюкоза хизмат қилади. Уларнинг оксидланишига миокардга етиб борадиган кислороднинг 70 ва 30% ишлатилади. Юракда кислород етишмовчилиги ҳолатида (гипоксия) охиригача оксидланмаган эркин ёғ кислоталари маҳсулотларини йиғилиб қолишига олиб келади. Улар эса эркин радикал реакциялар учун асосий субстрат бўлиб, мембрана структураларини ва кардиомиоцитларни жароҳатланишига олиб келади (Меерсон Ф.З.1984, Царук А.В.2012, Rocha В.М. at al.2018). Бундан ташқари, гипоксия шароитида нафас олиш

занжирининг фаолияти бузилади, кислородни тўлиқ тикланмаслиги супероксид радикалларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда навбатдаги ишларимизда миокардит модели каламушлар юрак гомогенати ва митохондрияларида ЛПО жараёнини тадқиқ этдик. Тажрибаларда ЛПО жараёнини иккиламчи маҳсулоти МДА миқдори аниқланди. Натижалар 1 - расмда келтирилган.




**1-расм. Экспериментал миокардитда каламуш юрак гомогенатидаги ЛПО маҳсулоти МДА миқдорига ГЛАС ва аспирин препаратларининг таъсири (\*P<0,05; \*\*P<0,01; n=8)**

Расмдан кўринишича адреналинли миокардитда каламушлар юрак гомогенатидаги МДА миқдори интакт ҳайвонлар юрак гомогенатидаги МДА миқдорига нисбатан 95% ошиб кетганлиги аниқланди. Бу эса адреналин таъсирида ҳайвонларининг юрак ҳужайраларида ЛПО жадаллиги ортганлигидан далолат беради. Бундай ҳайвонларга ГЛАС ва қиёсий препарат аспиринни 7 кун давомида юборилиши МДА миқдорини мос равишда 68 ва 43% га пасайишига олиб келди. Бунда ГЛАС бирикмасининг МДА ҳосил бўлишига ингибирловчи таъсири аспиринга нисбатан самарали эканлиги аниқланди. Экспериментал миокардит шароитида аспирин ва ГЛАСнинг ЛПО жараёнига самарали таъсир этишига янада кучлироқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида қўшимча серия тадқиқотлари ўтказдик.

Бу тадқиқотларда юрак митохондрияси мембранасида липидларнинг  $Fe^{2+}$ +аскорбат билан чақирилган перекисли оксидланиши жараёни ўрганилди (2-расм).

2-расмдан кўринадики, инкубация муҳитида  $Fe^{2+}$ +аскорбат мавжуд шароитда ЛПО жараёнини кескин кучайишига олиб келади, натижада митохондрияларнинг барьер функцияси бузилади ва уларнинг назоратга нисбатан ҳажми ортади. Олинган натижаларга кўра, адреналин билан чақирилган миокардит каламушларни юрак митохондрияси  $Fe^{2+}$ +аскорбат таъсирида бўкиши интактга ҳайвонларга нисбатан 7,2 марта кучайганлиги аниқланди.

Бу эса миокардит ҳайвонларни юрак митохондрияси мембранасида липидларнинг пероксидация жараёнлари тезлашганлигидан далолат беради.



2-расм. Адреналин билан чақирилган экспериментал миокардитда каламуш юрак митохондрияси  $Fe^{2+}$ +аскорбат билан чақирилган митохондриялар ҳажм ўзгаришига аспирин ва ГЛАСнинг таъсири (барча ҳолатда  $P < 0,05$ ;  $n = 6$ ).

Миокардитни коррекцияловчи омил сифатида олинган аспирин ва ГЛАС препаратлари билан даволанган каламушлар юрак митохондрияларининг бўкиши, препаратлар қабул қилмаган ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 42,6 ва 62,6% га ингибирланганлиги аниқланди.


Бундан кўринадики, аспирин ва ГЛАС бирикмаларининг антиоксидантлик хоссаси, каламуш юрак митохондрияси функциясига стабилловчи таъсир этди. Натижада мембранада жойлашган липопротед қатламнинг фаолияти тикланиб бораётганлидан далолат беради. Бу тажрибаларда ҳам адреналин билан чақирилган миокардитда каламуш юрак митохондрияси  $Fe^{2+}$ +аскорбат мавжуд шароитда бўкишига қиёсий препарат аспиринга нисбатан ГЛАС бирикмасининг ингибирловчи самараси юқори эканлиги аниқланди.

*Миокардитли каламушлар юрак мушаги митохондрияларининг функционал-энергетик параметрларига ГЛАС ва аспирин таъсири.*

Тажрибаларимизнинг кейинги босқичида кардиомиоцитлар митохондрияларининг функционал ҳолатини аниқладик. Натижалар 3-расмда келтирилган. Оксидланиш субстрати сифатида сукцинат ва малатдан фойдаланганмиз. Интакт ҳайвонлар юрак мушагидан ажратиб олинган митохондриялари бирикканлиги ҳамда оксидланувчи фосфориланиш жараёнлари юқори даражадаги самарадорлиги билан тавсифланди. Миокардитли ҳайвонлар митохондрияларида эса нафас олиш жараёнини сусайиши, нафас олиш назорати ва фосфориланишни самарадорлигини пасайиши кузатилди (3-расм, А ва Б). Масалан, кислород истеъмол қилинишининг тезлиги фаол ҳолатда ( $V_3$ ) 44% га пасайиб кетади (3-расм, А).

Шу билан бир вақтда,  $V_4$  ҳолатда ўзгаришлар ўз навбатида нафас олиш назоратининг (НН) ва АДФ/О кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайишига олиб келади (3–расм, Б).

Миокардитли ҳайвонларга ГЛАС препаратининг 2,5 мг дозасини юборганимизда қуйидаги натижаларни олдик. Митохондриялар нафас олиш жараёнининг фаол ( $V_3$ ) ва бошқарилган ( $V_4$ ) ҳолатларида кислородни истеъмол қилиниши 23 ва 19% га миокардитли ҳайвонларга нисбатан кўпайди.



3 - расм. Адреналин билан чақирилган экспериментал миокардитда каламушлар юрак митохондрияларининг нафас олиш ва оксидланувчи фосфорланиш жараёнларига ГЛАС ва аспирин препаратларининг таъсири (\* $P < 0,05$ ; \*\* $P < 0,01$ ;  $n = 6$ )


Бундай натижаларни биз оксидланиш субстрати сифатида нафақат сукцинатдан, балки малатдан ҳам фойдаланганимизда олдик.

Аспириннинг кичик терапевтик дозаси таъсирида ҳам митохондрияларнинг функционал ҳолати тикланиши қайд этилди, аммо бу тикланиш ГЛАС препаратининг таъсирига тенг бўлмади.

Навбатдаги тадқиқотларимизда миокардит ҳайвонлар юрак митохондриясида сукцинатдегидрогеназа ва ротенонга сезгир НАДН-дегидрогеназа фаолликлари ўзгариши ва ушбу патологик ҳолатда бу дегидрогеназаларнинг фаолликларига ГЛАС ва қиёсий препарат аспиринни таъсирини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Дастлаб адреналин билан чақирилган миокардит ҳайвонларни юрак митохондрияларида сукцинатдегидрогеназа ва ротенонга сезгир НАДН-дегидрогеназа фаоллигини интакт ҳайвонларга нисбатан ўзгариши аниқланди (4-расм, А ва Б). Олинган натижаларга кўра, миокардит гуруҳи ҳайвонларни юрак митохондрияси сукцинатдегидрогеназа ва ротенонга сезгир НАДН-дегидрогеназа фаолликлари интакт гуруҳга нисбатан 47,6 ва 40,7%га пасайиши қайд этилди. Аспирин ва ГЛАС препаратларини модели ҳайвонларга юборилиши сукцинатдегидрогеназа фаоллигини 17,7% ва 35%

га қисман тикланиши кузатилди (4-расм, А). Митохондрияларни барқарорлаштирувчи восита сифатида ишлатиладиган ГЛАС препарати, НАДН-дегидрогеназа фаоллигига ижобий таъсир кўрсатди (4-расм, Б).



**4-расм. Адреналин билан чақирилган экспериментал миокардитда каламуш юрак митохондрияси сукцинат дегидрогеназа (А) ва ротенонга сезир НАДН дегидрогеназа (Б) фаоллигига ГЛАС ва аспиринни таъсири (\*P<0,05;\*\*P<0,01; n=6)**

Ўрганилган бирикмалар каламушларда фермент фаоллигини асли ҳолигача тиклай олмади ГЛАС комплексининг 2,5 мг/кг дозаси таъсири остида НАДН-дегидрогеназа фаоллиги аспиринга нисбатан кўпроқ тикланди, ammo интакт ҳайвонлардаги кўрсаткичдан паст бўлди.


Шундай қилиб, тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, экспериментал миокардитда юрак митохондрияларида нафас олиш ва фосфорланувчи оксидланиш жараёнларининг сусайиши ҳамда нафас олиш занжири ферментларининг ингибирланиши содир бўлади. Бу салбий ҳолатлар нафақат бузилган митохондрияда оксидланиш ва у билан боғланган фосфорланишнинг ингибирланиши билан, балки адреналинни токсик дозаси таъсирида нафас олиш занжирида ҳосил бўладиган эркин радикалларнинг кўпайиб кетиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Ўрганилган бирикмалар ГЛАС ва аспиринлар турли даражада, фермент фаоллигига стабилловчи таъсир кўрсатди.

Адабиётда томирлар тонусини идора қилишда азот оксидига бағишланган ишлар талайгина (Treuer A.V.2015, Vandvik P.O. at al.2012, Wu J. at al.2011). Азот оксидини юрак-томир тизимидаги сигнал молекула деб ҳисобланади. У қон оқимини бошқарувчи, базал артериал қон босимини назорат қилувчи омиллар сафига киритилади. Бу бирикмани камайиб ёки ошиб кетиши турли юрак патологияларда кузатилади. Азот оксиди муҳим миорелаксацияловчи омил бўлиб, миокардитларда ҳам ўзгариши мумкин (Киричук В.Ф.2008, Schrör K at all.2015). Миокардитларда адабиётда

келтирилган маълумотларга кўра, ўткир гипоксия ҳолати ривожланади. Шу сабабли самарали кардиотоник бирикмаларнинг излашда биринчи навбатда уларни азот оксидига таъсирини кўзда тутиш керак.

Навбатдаги босқичда интакт ва миокардитли каламушлар қон плазмаси ва юрак гомогенатида азот оксиди миқдори ва унга ГЛАС препаратини таъсирини аниқладик. Натижалар 5 - расмда келтирилган.

Расмдан кўринишича миокардитли ҳайвонларнинг қон плазмаси ва юрак гомогенатида NO метаболитлари – нитрат ва нитритлар миқдори (5 –расм, А ва Б) интакт ҳайвонларга нисбатан 51% ва 65% га мос равишда ошиб кетиши кузатилди. Яъни миокардит ҳолатида эндотелий ва кардиомиоцитларда метаболит эҳтиёжларга етарли бўлган миқдордан ҳам кўпроқ азот оксидини ҳосил бўлиши кузатилди.




5 - расм.Экспериментал миокардитли каламушлар қон плазмаси (А) ва юрак гомогенатида (Б) NO алмашинуви маҳсулотлари (нитратлар ва нитритлар)га ГЛАС ва аспиринни таъсири (\*P<0,05;\*\*P<0,01; n=7).

Бу ҳолатни коррекциялаш мақсадида каламушларга ГЛАС ва қиёсий препарат аспирин юборилди. ГЛАС таъсирида азот оксидини миқдори қонда 40% га (5-расм, А), гомогенатда 44% га камайиши қайд этилди (5-расм, Б). Қиёсий препарат аспиринни самараси бу тажрибаларда ГЛАСни таъсирига нисбатан анча паст бўлди ва у NO метаболитлари миқдорини 10 ва 11% га мос равишда қонда ҳамда юрак гомогенатида камайтирди.

Адабиётдаги маълумотларга кўра турли типдаги хужайраларда азот оксиди синтазасининг уч хил изо шакллари мавжуд: эндотелиал шакл (eNOS), нейронал (nNOS) ва индуцибел шакли (iNOS) (Strijdom H.N.2009, Aragon J.P.2011). nNOS ва eNOSлар мембранага боғлиқ фермент бўлиб, улар кардиомиоцитларни физиологик ҳолатда бошқаради. iNOS эрувчан энзим бўлиб, унинг фаоллиги физиологик ҳолатда тўлиқ намоён бўлмаслиги кўрсатилган (F.R. Heinzel at all.2008). Юрак мушагида NO-синтазаларнинг уччала шакли ҳам фаолият кўрсатади. Биз аввалги тажрибаларимизда аниқланган азот оксиди метаболитлари миқдорини миокардит ҳолатида ошиб

кетиши қайси NO-синтазанинг фаолланиши эвазига содир бўлишини аниқлаш мақсадида миокардитли ҳайвонларнинг қон плазмасида eNOS ва iNOS фаолликларини аниқладик. Натижалар 6- расмда келтирилган.

Расмда келтирилган натижалардан экспериментал миокардитли каламушлар қон плазмасида эндотелиал NO-синтаза фаоллиги 37,6% га ингибирланиши қайд этилди (6-расм, А). ГЛАСни 2.5 мг/кг дозаси таъсирида фермент фаоллиги 24%га тикланиши кузатилди. Аспирин таъсирида эндотелиал азот оксиди синтазаси фаоллиги 17% га ошиши қайд этилди.




**6 - расм. Миокардитли каламушлар қон плазмасида эндотелиал NO-синтаза (eNOS) фаоллиги (А) ва индуцибел NO-синтаза (iNOS) миқдорига (Б) ГЛАС ва аспирини таъсири (\*P<0,05; \*\*P<0,01; n=7)**

Шу шароитда NO-синтазанинг индуцибел шаклини аниқланиши (6-расм, Б) бу ферментни деярли қон плазмасида икки мартаба кўпайиб кетишига олиб келди (95,5%). Бу натижа миокардит билан ҳасталанган каламушлар қон плазмасида азот оксидини кўпайиб кетиши таҳминимизча, iNOS миқдорини ошиб кетиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Адабиётдаги маълумотларга кўра, iNOS стимулланишининг бошқарувида талай омиллар иштирок этади. Бу фермент экспрессияси томирлар эндотелийси ва макрофагларда фақат патологик жараёнларда, биринчи навбатда яллиғланиш ривожлангандагина ошади (Bonafede R.W., Manucha 2018, Ewid M.2020). iNOS яллиғланиш чақирувчи цитокинлар - ФНО, интерлейкин ip ҳосил бўлишида иштирок этади. Бу ферментни экспрессияси миокард инфаркти, миокардит, юрак етишмовчилигида миокард хужайраларида ошиб кетади (Massion P.B.2003, Totzeck M., U.B. Hendgen-Cotta, T.Rassaf 2017).

Коррекцияловчи модда сифатида модели ҳайвонларга 2,5 мг/кг ГЛАСни юборилиши қонда ошиб кетган iNOS миқдорини 60% га пасайишига олиб келди. Аспирин таъсирида фермент миқдори атиги 19% га пасайди.

Худди шу ҳолат миокардитли каламушлар юрак гомогенатида кузатилди (7-расм, А ва Б). 7-расмдан кўринишича, экспериментал миокардитда eNOS фаоллиги ингибирланиши 21% ни ташкил қилди ва iNOS миқдорини деярли икки мартабага ошиб кетиши қайд этилди.

Тадқиқотларнинг бу сериясида олинган натижаларимиз адабиётдаги маълумотларга мос келади (Schrör K., Rauch В.Н.2015, Costa А.С. et al.2017, Hennekens С.Н. et al. 2010).



7 - расм. Миокардитли каламушлар юрак гомогенатида эндотелиал NO-синтаза (eNOS) фаоллиги (А) ва индуцибел NO-синтаза (iNOS) миқдорига (Б) ГЛАС ва аспириини таъсири(\*P<0,05;\*\*P<0,01; n=7).

Келтирилган муаллифларнинг фикрига кўра, эндотелиал ва индуцибел NO - синтазалар фаоллиги ўзгаришининг сабаби ГЛАС таркибидаги ацетил салицил кислота таъсирида ферментлар молекулалари ацетилрланишида бўлиши мумкин. Юрак-томир тизимига аспириини кичик миқдордаги дозалари (100-300 мг/суткада) таъсири амалга ошади ва бунда асосан молекуляр нишонларнинг ацетилрланиш жараёнлари содир бўлади (Schrör K., Rauch В.Н.2015). Глицирризин кислотанинг аспириин билан комплекс ҳосил бўлиши натижасида препаратнинг самараси янада ҳам яққолроқ намоён бўлади. Адабиётдаги маълумотларга кўра глицирризин кислотани ўзи юрак хужайраларига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган (Толстикова Г.А. ва бошқ. 2007).

Бир қатор муаллифлар фикрича (Kawai С.2006, Kuhl U.2009, Агеев Ф.Т. ва ҳаммуал. 2001) юрак ҳасталигида эндотелиал NO-синтазанинг ингибрланиши билан бир вақтда индуцибел NO-синтаза фаоллиги рағбатлантириши кўрсатилган. Миокардитларда яллиғланиш цитокинлари iNOSни экспрессиясини ошириб, азот оксиди миқдорини кўпайтиради, натижада ошиб кетган NO миокардга захарли таъсир кўрсатади ва юрак хужайраларида яллиғланиш жараёни кучайиши, юрак мушагида ремоделирланиш кузатилади ва сурункали юрак етишмовчилиги юзага келади. Сурункали юрак етишмовчилиги билан ҳасталанган беморларни биопсия материалида iNOS миқдори ошиб кетиши ва eNOS фаоллиги пасайиши аниқланган (Ивашкин В.Т. ва бошқ. 2001). Миокардитда оксидатив стресс шароитида ошиб кетган азот оксиди бошқа эркин радикаллар билан мулоқотга киришиб, юрак ва томирлар хужайраларига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолатларда ГЛАС препаратини ишлатилиши миокардитли

хайвонларнинг бузилган NO-эргик тизимида позитив ўзгаришларни амалга ошириши мумкин.

## ҲУЛОСАЛАР

1. *In vitro* ва *in vivo* шароитида ГЛАС тромбоцитларнинг АДФ-индуцирланган агрегация жараёни ва тромбоцитларини функционал фаоллигини пасайтириш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

2. ГЛАСнинг тромбоцитлар функционал ҳолатини ингибирлаш механизмида простаглицин иштирок этиши қайд этилди.

3. ГЛАС препарати миокардитли каламушлар қон плазмаси, юрак гомогенати ва митохондрияларида антиоксидант фаолликни намоён қилди.

4. Миокардитли ҳайвонлар юрак митохондрияларида оксидланувчи фосфорланиш жараёнини сусайиши ҳамда нафас олиш занжири ферментлари–сукцинат дегидрогеназа ва ротенонга сезгир НАДН-дегидрогеназа ингибирланиши кузатилди.

5. Адреналинли миокардит модели каламушлар қон плазмаси ва юрак гомогенатида азот оксиди метаболитлари кўпайиб кетиши индуцибел NO–синтаза миқдорини ошиб кетиши эвазига амалга ошиши аниқланди.

6. ГЛАСнинг 2,5 мг/кг дозаси таъсирида миокардитли ҳайвонлар митохондрияларининг функционал ҳолати ва нафас олиш ферментларининг фаоллиги тикланиши ҳамда индуцирланган NO-синтаза ва ошиб кетган азот оксиди метаболитлари миқдори интакт ҳайвонлар кўрсаткичларига яқинланиши қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И  
БИОХИМИИ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ЮНУСОВА МУСЛИМА ХАЛМАТОВНА**

**ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ПРИРОДНЫХ СОЕДИНЕНИЙ НА  
СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТУЮ СИСТЕМУ КРЫС ПРИ  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ МИОКАРДИТЕ**

**03.00.01-Биохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/B293

Диссертационная работа выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский, русский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ibb-nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Далимова Сурайё Нугмановна**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Юлдашев Носиржон Мухамеджанович**  
доктор биологических наук, профессор

**Хаджиметов Абдугофур Ахатович**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентская Медицинская Академия**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 по присуждению ученых степеней при Институте биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел. 246-68-96.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана (регистрационный номер №\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел: (99871) 246-68-96. e-mail: ibb-nuu@mail.ru; mamurjon2281@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года  
(реестр протокола рассылки № «\_\_» от \_\_\_\_\_ 2022).



**Сабилов Равшан Заирович**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

**Позилев Маъмуржон Комилжонович**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.б.н

**Кадирова Дилбар Адуллаевна**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Заболевания сердечно-сосудистой системы являются актуальной проблемой кардиологии во всем мире, среди них миокардит занимает особое место. Миокардит – это воспалительное заболевание сердечной мышцы, обусловленное непосредственным или опосредованным через иммунные механизмы воздействием инфекции, химических и физических факторов. Развитие гипоксии при этой патологии, возникающее в результате спазма сосудов является основной причиной развития последующей сердечной недостаточности. Создание лекарственных препаратов для лечения различных форм сердечно-сосудистой патологии и выяснение механизма их действия представляет собой важную задачу.

Во многих научных лабораториях мира, изучающих различные заболевания сердечно-сосудистой системы и способы их лечения интенсивно исследуются соединения, влияющие на клетки сердечной мышцы и эндотелий кровеносных сосудов. Успехи в разработке новых лекарственных средств связаны не только с синтезом новых химических соединений, но и, в значительной степени, с улучшением свойств существующих препаратов, в том числе, путем создания новых лекарственных форм с направленной доставкой к органу-мишени. Одним из перспективных подходов в разработке подобных лекарственных форм является связывание действующего вещества в молекулярный комплекс с растительными углеводсодержащими метаболитами, которые обеспечивают защиту базового препарата от быстрого метаболизма в организме и улучшают его транспорт через биологические мембраны. В последние годы наиболее изученным в качестве комплексирующего растительного углеводсодержащего метаболита являются дитерпеноиды.

В последние годы, в нашей республике большое внимание уделяется исследованиям, направленным на создание новых лекарственных средств для профилактики и лечения заболеваний сердечно-сосудистой системы на основе местного растительного сырья. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «Дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений дешёвыми и качественными лекарственными средствами»<sup>1</sup>. В реализации поставленных задач особую роль играют исследования, направленные на установление механизмов фармакологического действия биологически активных соединений растительного происхождения и создания на их основе нового поколения лекарственных средств для профилактики и лечения ССЗ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». № УП-4947.

Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 мая 2019 г № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В различных научных лабораториях мира ведутся исследования, посвященные выявлению и характеристике фармакологических эффектов биологически активных соединений растительного происхождения. В США, отделе медицинской физиологии научного центра здравоохранения Техасского университета ведутся исследования по изучению кардиотропных эффектов алкалоидов, выделенных из различных растений. В отделе физиологии Австралийского Университета Монаша определено большое количество различных алкалоидов, обладающих широким спектром инотропных эффектов. Кардиопротекторные свойства растительных алкалоидов и флавоноидов интенсивно изучаются в отделе сердечно-сосудистой и торакальной хирургии высшей медицинской школы Японского Университета Хоккайдо.

В странах СНГ изучаются фармакологические свойства растительных соединений в Санкт-Петербургской государственной химико-фармацевтической Академии, в Белгородском государственном национальном исследовательском университете, Института фармакологии и токсикологии АМН Украины, в национальном научном центре кардиологии НАМН Украины.

